# РАСМИЙ АХБОРОТ

## ЕНГИЛ САНОАТНИНГ ЯНГИ ҚУВВАТЛАРИ

КПСС XXV съездининг қарорларида корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкциялаш, асбоб-ускуналарни янгилаш, ишлаб чиқаришда янги серунум технология жараёнларини ҳамда ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш воситаларини жорий этиш асосида енгил саноат ишининг самарадорлигини ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтилган.

Шу муносабат билан СССР Министрлар Совети «1977—1978 йилларда енгил саноат корхоналари ва объектларини қуриш ҳамда ишга туширишни таъминлаш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорда шу тармоқда янги корхоналар қуриш, шунингдек мавжуд корхоналарни реконструкциялаш ҳамда техника билан қайта қуроллантириш юзасидан топшириқлар кўзда тутилган. 1977—1978 йилларда 900 мингдан зиёд урчиқ ва қарийб 10 минг тўқув станоклари ҳар йили 46 миллион дона ички ва устки трикотаж, 102 миллион квадрат метр нотўқима материаллар, 150 минг дона чинни-фаянс идишлар, 970 миллион квадрат дециметр юмшоқ чарм моллар ва бошқа буюмлар ишлаб чиқарувчи қувватлар ишга туширилади.

Белгиланган ана шу ишларни бажариш учун 1,5 миллиард сўмдан кўпроқ капитал маблағ ажратилади.

Қурилиш министрликларига 1977—1978 йилларда енгил саноат қурилишларида бажарилиши лозим бўлган пудрат қурилиш-монтаж ишларининг ҳажми белгилаб берилди. Шунингдек, шу қурилишларни технология асбоб-ускуналари, қурилиш материаллари, конструкциялар, транспорт воситалари ва механизмлар билан биринчи навбатда таъминлаш кўзда тутилди.

Қарорда енгил саноат қурилишларини зарур бўлган ишчи кадрлар билан таъминлаш тадбирлари назарда тутилади.

Қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун практиканинг мамлакатимиздаги ва чет эллардаги муваффақиятларини ҳисобга олган ҳолда тўқимачилик, пойафзал, тикувчилик ва бошқа енгил саноат корхоналари қурилишларининг янги лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек енгил конструкциялар ва деталлардан мазкур корхоналар қурилишида фойдаланиш учун уларни ишлаб чиқарувчи қувватларни барпо этиш белгиланди.

Енгил саноат корхоналарида уй-жой бинолари, мактабгача болалар муассасалари, ҳунар-техника билим юртлари, маданият уйлари ва клублар қуриш юзасидан топшириқлар белгиланмоқда.

Қарорда белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши кўпроқ талаб қилинадиган товарлар ишлаб чиқаришни анча оширишга, уларнинг турини кўпайтиришга ва сифатини яхшилашга имкон беради.

## ТЕМИР-БЕТОН КОНСТРУКЦИЯЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

КПСС XXV съезди тасдиқлаган «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари»да қурилишларда материаллар ва буюмларнинг янги турларини, ғоят пишиқ ва енгил бетонлардан самарали темир-бетон конструкцияларнинг янги турларини қурилишларда кенг қўлланиш зарурлиги таъкидлаб ўтилган. СССР Министрлар Совети съезд қарорларини бажариш юзасидан «Темир-бетон конструкциялар ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини ошириш ва қурилишларда улардан янада самаралироқ фойдаланиш соҳасидаги баъзи тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорда кейинги йилларда мамлакатда йиғма темир-бетон конструкциялар ишлаб чиқариш ҳажми анча кўпайганлиги қайд қилиб ўтилади. Йиғма темир-бетон барча қурилишларда кенг кўламда ишлатилмоқда, бу эса ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилашга, қурилиш ишларини индустрлаштириш даражасини оширишга, биноларни ва иншоотларни қуриш вақтида меҳнат сарфини камайтиришга ва уларни тезроқ қуриб битказишга имкон бермоқда.

Айни вақтда қарорда темир-бетон конструкциялар ишлаб чиқариш ва уни ишлатиш қурилиш ишларида улардан фойдаланиш самарадорлигини камайтирувчи жиддий нуқсонлар борлиги уқтириб ўтилади.

СССР ҳукумати СССР министрликларига, идораларига ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига қуйидагиларни таклиф қилди:

— қурилиш ишларида юксак унумли конструкцияларни ҳамда пишиқ, енгил ва ғовак бетонлардан ишланиб заводдан тайёр ҳолда чиқадиган серунум конструкциялар ва буюмларни, олдиндан зўриқтирилган конструкцияларни кўплаб амалий жорий этишга ўтиш;

— корхоналар, бинолар ва иншоотларнинг лойиҳаларини тузиш чоғида кўпроқ самарали темир-бетон ва бетон конструкцияларни ҳамда буюмларни кенг қўлланишни назарда тутиш;

— ишлаб турган, қурилаётган ва реконструкция қилинаётган корхоналарда энг мукаммал технология жараёнларини ва юксак унумли ускуналарни жорий этиш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш йўли билан йиғма темир-бетон ва бетон конструкциялар ҳамда буюмлар ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини ошириш чораларини кўриш;

— йиғма темир-бетон ва бетон конструкциялар ҳамда буюмлар ишлаб чиқарувчи қувватлардан қандай фойдаланилаётганлиги, улар қандай ривожлантирилаётганлиги ва жойлаштирилаётганлигини уч ой муддат ичида қараб чиқиш, ўнинчи беш йилликда мавжуд корхоналарни реконструкциялаш, кенгайтириш ҳисобига шу конструкцияларни ва буюмларни ишлаб чиқаришни, мазкур корхоналарни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ва ишлаб чиқаришни янада ихтисослаштириш тадбирларини ишлаб чиқиб, СССР Госпланига ва СССР Госстройига тақдим этиш;

— йиғма темир-бетон конструкциялар ва буюмлар ишлаб чиқаришда металлни ва цементни тежаб сарфлаш юзасидан ташкилий-техникавий тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни 1977—1980 йилларда амалга ошириш, шунингдек металлдан ва бошқа материаллардан тайёрланган янада мукаммалроқ формалар ва ускуналарни жорий этиш;

— 1977—1978 йилларда йирик уйсозлик комбинатларида манзарали оқ ва рангли цемент билан пардозланган ташқи девор панелларини ишлаб чиқаришга ўтишни таъминлаш;

— 1977—1980 йиллар давомида қишлоқ хўжалик объектлари қуриш учун вазни соддалаштирилган йиғма темир-бетон конструкциялар ва буюмлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, токи бу билан шу объектларнинг қурилишида саноат бинолари ва иншоотларини қуриш учун мўлжалланган конструкциялар ва буюмларни ўринсиз ишлатишга йўл қўйилмасин;

— бетоннинг сифатини оширишни, бетон қоришмалар ётқизиш технологиясини яхшилашни ва цементни тежашни таъминлайдиган самарали химиявий ва бошқа қўшимча материаллар комплекси ишлатилган бетон қоришмалари тайёрлаш ҳажмини кенгайтириш.

СССР Госплани 1978—1980 йилларда план лойиҳаларида СССР министрликлари, идораларига ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига темир-бетон конструкциялар ишлаб чиқариш юзасидан топшириқларни кўзда тутиши, умуман мамлакат бўйича 1980 йилда йиғма темир-бетон ишлаб чиқаришни 135 миллион куб метргача етказишни назарда тутиши керак.

СССР Госстройига, СССР министрликлари, идораларига ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига бетон ва темир-бетон соҳасида ишловчи илмий коллективларнинг диққат-эътиборини ғоят пишиқ, енгил ва ғовак бетонлардан янги, янада самаралироқ темир-бетон конструкциялар яратишга қаратиш таклиф этилди.

## ИНВАЛИДЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА УЛАРГА КАСБ ЎРГАТИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ижтимоий меҳнатда инвалидларни янада кўпроқ иштирок эттириш йўлидаги имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш — КПСС XXV съезди ўртага қўйган вазифалардан биридир. Съезд қарорларига мувофиқ СССР Министрлар Совети «Инвалидларга касб ўргатиш ва уларни ишга жойлаштиришни ташкил этишни яхшилаш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорда меҳнат қобилияти кам бўлган шахслар меҳнатидан фойдаланиш учун мўлжалланган корхоналар, цехлар ва участкаларни янада кўпайтириш, интернат уйларда тегишли корхоналарнинг структурали бўлими сифатида цехлар ва участкалар барпо этиш, махсус хизмат кўрсатишга ва касб ўрганишга муҳтож бўлган инвалидлар учун интернат уйлар ёки бўлимлар ташкил этиш тадбирлари назарда тутилади.

Иттифоқдош республикалар Министрлар Советларига, СССР министрликлари ва идораларига инвалидларни ишга қабул қилиш юзасидан махсус ўринлар сонини белгилаш таклиф этилди.

СССР Министрлар Совети иттифоқдош республикалар Министрлар Советларига иш вақтида шикастланганлиги туфайли ёки умуман касаллиги туфайли инвалид бўлиб қолган шахсларга ва болалигидан инвалид бўлган кишиларга бериладиган мотоколяскаларнинг нархига белгиланган скидка миқдорини ошириш тавсия қилинди.

Қарорда шунингдек инвалидларга касб ўргатиш, уларни ишга жойлаштириш ва даволашни яхшилашни таъминлайдиган бошқа тадбирлар ҳам назарда тутилади. (ТАСС).

## СССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

14 январь куни Москвада адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида 1976 йилги СССР Давлат мукофотлари лауреатларининг дипломлари ва нишонларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Давлат ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, адабиёт ва санъат арбоблари Кремлнинг Свердлов залига тўпландилар.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ленин мукофотлари ва СССР Давлат мукофотлари комитети раисининг ўринбосари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Г. М. Марков янги лауреатларни юксак мукофот билан табриклади. У лауреатларнинг халқ, социалистик Ватанимиз бахт-саодати йўлида янгидан-янги ижодий зафарларга эришувларини тилади.

Лауреатлар ўз меҳнатларига юксак баҳо берганлиги учун Коммунистик партияга самимий ташаккур изҳор этдилар.

Маросимда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР маданият министри П. Н. Демичев, КПСС Марказий Комитетининг маданият бўлим мудири В. Ф. Шауро ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия, совет органларида кўп йиллар, бенуқсон ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Бухоро область халқ контроли комитетининг раиси Наримон Холмуродович **Саидаҳмедов**ни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика қишлоқ хўжалик органларида кўп йиллар, самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Тошкент область меҳнаткашлар депутатлари Бўка район Совети ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Комил **Содиқов**ни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

## КОНФЕРЕНЦИЯ КУН ТАРТИБИДА — СОВЕТ ТУРМУШ ТАРЗИ МАСАЛАСИ

Фарғонада бўлиб ўтган илмий-амалий конференция КПСС XXV съезди қарорлари асосида совет турмуш тарзини пропаганда қилиш ва қарор топтириш масалаларига бағишланди. Бу конференцияни область партия комитети «Билим» жамиятининг область ташкилоти билан биргаликда ўтказди.

Конференцияда олимлар, партия ходимлари доклад ва ахборотлар билан чиқдилар. (ЎзТАГ).

# КОММУНИЗМ ИШИГА ЧЕКСИЗ САДОҚАТ РАМЗИ

**«ЛЕОНИД ИЛЬИЧ БРЕЖНЕВ. ҚИСҚАЧА БИОГРАФИК ОЧЕРК» КИТОБИНИНГ ЎЗБЕКЧА НАШРИ БОСИЛИБ ЧИҚИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН**

Марксизм-ленинизм классиклари тарихда халқ оммаси ҳал қилувчи роль ўйнашини, ишчилар синфи ва унинг сиёсий авангарди бўлган Коммунистик партиянинг оламшумул тарихий вазифасини асослаб, оммани дадил революцион ҳаракатларга, буюк бунёдкорлик ишларига бошлаб бора оладиган синалган пролетар раҳбарларининг жуда катта ролини ҳамиша таъкидлаб келдилар. «Ҳаракатни уюштира оладиган ва бу ҳаракатга раҳбарлик қила оладиган ўз сиёсий йўлбошчиларини, ўз илғор вакилларини етиштирмаган ҳеч бир синф тарихда ҳукмрон бўла олган эмас», деган эди В. И. Ленин.

Социализм ғалаба қозонишн, халқ оммасининг онгли ва планли фаолияти учун мислсиз кенг имкониятлар очилиши билан ишчилар синфи партиясининг етакчи роли, унинг раҳбарларининг роли ва масъулияти ҳам ҳаққоний равишда орта боради. Халқ, ишчилар синфи раҳбарлик ишларига ўзининг энг тажрибали, чиниққан, ижтимоий ҳодисалар моҳиятини чуқур тушунадиган ва оммани коммунистик қурилишнинг улуғвор вазифаларини бажаришга сафарбар эта оладиган атоқли вакилларини кўтаради.

Леонид Ильич Брежнев ишчилар синфи ва бутун совет халқининг худди ана шундай вакили, ленинча типдаги раҳбардир. Унинг бутун онгли ҳаёти ва жўшқин фаолияти меҳнат кишиларининг манфаатларига бўйсундирилган. Коммунистик партия ва Совет давлатининг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби Л. И. Брежнев номи барча қитъалардаги коммунистлар учун, юз миллионлаб кишилар учун ленинча принципиаллик, изчил интернационализм, тинчлик ва социал тараққиёт учун фидокорона кураш рамзи бўлиб қолди. Л. И. Брежневнинг кўп қиррали, ҳормай-толмай олиб бораётган самарали фаолияти яқингинада бутун мамлакатимиз меҳнат аҳли ва прогрессив инсоният зўр шодиёналик билан нишонлаган унинг етмиш йиллик юбилейида алоҳида таъкидлаб ўтилди.

«Умримнинг ҳар бир куни Коммунистик партиямиз, Советлар мамлакатимиз яшаб келган ва яшаётган ишлар билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги туфайли фахрланаман, — деди ўртоқ Л. И. Брежнев Ватаннинг олий мукофотлари топширилиши маросимида сўзлаган нутқида. — Партиянинг ишончи, халқнинг ишончи мен учун ҳамиша ҳамма нарсадан аъло бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади».

Бутун кучи ва умрини партия ишига, халқ ишига сарфлаб келаётган КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг жўшқин фаолияти янги йил арафасида «Ўзбекистон» нашриёти босиб чиқарган «Леонид Ильич Брежнев. Қисқача биографик очерк» китобида ўз ифодасини топган*.

Биографик очерк Л. И. Брежневнинг меҳнаткаш халқ орасидан етишиб чиққанлигини тасвирловчи саҳифалар билан бошланади. У меҳнат фаолиятини ўн беш ёшида металлургия заводида ишчи бўлиб бошлаган. Буваси, отаси, укалари ва сингиллари ҳам шу корхонада ишлашган. Умуман бу оиланинг салкам юз йиллик меҳнати шу корхонага бағишланган. Л. И. Брежнев ҳам шу ишчилар коллективида илк бор тобланди, шу корхонадан жўшқин, воқеаларга бой ҳаётга йўл олди. Ўтган йил 1 Май арафасида Москвадаги Лихачев номли автозавод ишчилари ҳузурида бўлганида Л. И. Брежнев ишчилар коллективидаги меҳнат кунларини, дастлабки касбни ўргатган, мураккаб ҳаёт илмидан таълим берган қадрдонларини самимий хотирлаб: «Бундай дорилфунунлар асло унутилмайди. Завод ҳаёти, ишчилар аҳлининг фикрўйлари ва орзу-умидлари, турмушга қараши, ана шуларнинг ҳаммаси менинг дунёқарашимни ҳам ҳал қилувчи тарзда шакллантирган. Ўша вақтда вужудимга сингиб кетган белгилар бутун умр сақланиб қолди», деди.

Л. И. Брежневнинг меҳнат биографияси Совет давлатини қуришнинг дастлабки йилларида бошланди. Бу йилларда социализм бунёдкорларининг Леонид Ильич мансуб бўлган тўнғич авлоди шаклланди ва кучга тўлди. Ана шу авлоднинг ғайратшижоати билан қудратли совет индустриясига пойдевор қўйилди. Қишлоқ хўжалиги социалистик асосда қайта ташкил этилди, маданий революция амалга оширилди.

Ишчилар синфини, барча меҳнат аҳлини эски дунёни штурм қилиб, янги ҳаёт қуришга илҳомлантирган революцион ғайрат-шижоат ва оптимизм ўша давр ёшларининг тарбиясига ғоят зўр таъсир кўрсатганди. Партия уларни тарбиялади, ғоявий чиниқтирди. В. И. Ленин айни қийинчиликларга қарши курашда одамларда ғоявий эътиқод кучаяди, бу билан революция ютуқлари яна ҳам мустаҳкам бўлади деб таъкидлаган эди. Доҳийнинг бу сўзлари дастлаб комсомол, сўнгра эса ёш коммунист бўлган Леонид Ильичга ҳам тамомила тааллуқли эди. Ўша қаҳрамонона даврнинг шавқ-завқи билан яшаган Л. И. Брежнев ўн етти ёшида комсомолга, йигирма уч ёшида партия аъзолигига кандидат, йигирма беш ёшида партия аъзолигига қабул қилинди.

1927 йили Курскдаги ер тузиш-мелиорация техникумини тугатгач, Белоруссияда, Курск губернасида ва Уралда ишлади. Бу иш унга яхши мактаб бўлди, ташкилотчилик қобилиятларини рўёбга чиқарди. Партия фан-техника интеллигенциясини вужудга келтириш ишига киришганида амалий тажрибали, ҳаётни чуқур билувчи коммунистларни бу соҳага йўллади. Шулар қатори Л. И. Брежнев ҳам металлургия институтига ўқишга кириб, айни пайтда заводда слесарь, институт касаба союз комитетининг раиси, сўнгра партком секретари бўлиб ишлади.

Институтни битириши билан ҳарбий хизматга йўл олди. Забайкалье ҳарбий округида энг яхши танк ротасининг сиёсий раҳбари сифатида танилди. Сўнгра тинч меҳнат йиллари. Партия, совет ишларидаги фаолияти. Улуғ Ватан урушининг дастлабки кунлариданоқ Л. И. Брежнев ўзини ҳаракатдаги армияга юборилишини қаттиқ илтимос қилди. 1941 йил 14 июлдан урушнинг сўнгги кунларигача ҳаракатдаги армияда бўлиб, ўзининг партиявий ва солдатлик бурчини шараф билан адо этди.

Урушдан кейинги тинч қурилиш йиллари. Партия ўзининг энг яхши кучларини халқ хўжалигини тиклаш фронтига юборди. Запорожье, Днепропетровск, Молдавия партия ташкилотларига бошчилик қилган Л. И. Брежнев сиёсий раҳбар сифатидаги ёрқин талантини намоён қилди.

1952 йил октябрда бўлиб ўтган партия XIX съездида Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети аъзоси қилиб, Марказий Комитет Пленумида эса КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат ва Марказий Комитет секретари қилиб сайланди. Орадан беш ой ўтгач, партия уни Ҳарбий-Денгиз кучлари сиёсий бошқармасининг бошлиғи этиб тайинлади.

Қаерда ишга моҳир ташкилотчи керак бўлса, партия ҳамиша Л. И. Брежневни ўша ерга юборди. Қозоғистон қўриғи учун буюк жанг олиб борилган йилларда Л. И. Брежнев республика Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари лавозимида бу ишга бошчилик қилди. Партия XX съездида у яна Марказий Комитет аъзоси ва секретари этиб сайланди. 1957 йил июндан бошлаб КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси бўлди. Партия унга оғир саноатни ва капитал қурилишни ривожлантириш, Қуролли Кучларни энг янги техника билан қуроллантириш, космонавтикани ривожлантириш масалаларини топширди. Леонид Ильич бу ишни ҳам шараф билан бажариб, иқтисодий тараққиётнинг, мамлакат мудофаа қудратини мустаҳкамлашнинг асоси бўлган оғир индустрияни юксалтиришга ўзининг бутун тинимсиз фаолияти билан бебаҳо ҳисса қўшди.

Л. И. Брежневнинг 1960 йилда СССР Олий Совети Президиуми Раиси этиб сайланиши унинг хизматларини бутун халқ эътироф этганлигининг, унинг жуда катта обрў-эътибор қозонганлигининг ёрқин далили бўлди.

Партия Марказий Комитетининг 1964 йил октябрь Пленуми партия ва мамлакатнинг ҳаётида тарихий ўрин олди. Пленумда ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари қилиб сайланди.

«Қисқача биографик очерк»да ўртоқ Л. И. Брежневнинг кейинги йиллардаги жўшқин фаолияти ранг-баранг факт ва мисолларда ҳикоя қилиб берилган. Шу даврдаги партия ҳужжатларида ва Л. И. Брежневнинг нутқлари ҳамда мақолаларида социализмнинг марксча-ленинча назарияси янада ривожлантирилди.

Ленинча типдаги раҳбар бўлган Л. И. Брежнев ўзининг бутун ишида омманинг коллектив тажрибасига суянади, ҳамиша ва ҳамма масалаларда халқ манфаатларини кўзлайди. Зотан, халқнинг битмас-туганмас кучларига астойдил, қаттиқ ишонишнинг манбалари Леонид Ильич учун характерли бўлган фазилатдир.

Совет халқи партияни ўзининг синалган йўлбошчиси, раҳбари, барча ғалабаларининг ташкилотчиси деб билади. У ўртоқ Л. И. Брежнев бошлиқ КПСС Марказий Комитети совет халқини бирдан-бир тўғри йўл — ленинча йўлдан коммунизм сари дадил бошлаб бораётганлигидан беҳад миннатдордир.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти китобни оператив тарзда тайёрлагани ва шунга қарамай, таржимаси равон бўлганлигини таъкидлаш жоиздир.

* «Леонид Ильич Брежнев. Қисқача биографик очерк». Халқлар дўстлиги орденли «Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент — 1976 йил.





Тошкентдаги пиллакашлик тажриба фабрикаси коллективи КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қарорини якдиллик билан қўллаб-қувватлаб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини яхшилаш учун зарбдор меҳнат қилаётир. Фабрика ишчи ва мутахассислари бу йил 68 тонна пиллани қайта ишлаш мажбуриятини олган. Суратларда: (юқоридан) 1. Корхонанинг ветеран ишчиларидан Мунира Йўлдошева. 2. Социалистик мусобақада пешқадамлик қилаётган коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари — Турсуной Самиғжонова ва Зуҳра Магнавиева.

И. Глауберзон фотолари.

*ОТАЛАР ЖАСОРАТИ — ФАРЗАНДЛАР МЕРОСИ*

# ПОЛИТРУК ИНОМОВ

1941 йилнинг октябри. Фашист қўшинлари жонжаҳди билан Москвага интилмоқда. Душман танкларини тўплаб, қўшинларимизнинг қанотларидан ҳужум қилишга ва катта йўлларни, Ғарбий Двина ва Юқори Волга сув йўлларини тўсиб қўйишга уринарди. Калинин фронти қўмондонлиги душманнинг ниятларини пучга чиқариш учун худди ана шу йўналишга 252-ўқчи дивизия қисмларини ташлади. Бу дивизияга душман ҳужумини қайтариб, актив мудофаада фашистларнинг асосий кучларини ҳолдан тойдириш вазифаси қўйилган эди.

928-ўқчи полк батальонларидан бири Шатри аҳоли пункти районида мудофаада турарди. Бу ерда жанг шу қадар шиддатли тус олдики, жангчилар бир неча марта қўл жанги олиб боришга мажбур бўлдилар. Снарядларнинг гувуллаши, бомбаларнинг портлаши остида алоқачининг ташвишли овози эшитилди:

— Политрук, батальон комиссарига!

— Гитлерчилар янги қурол — огнемётлардан ўт очишарди, — деб ҳикоя қилади Абдулла Иномов. Баъзи ёш жангчилар бардош бера олмай орқага чекинарди. Бундай ваҳима жанговар тартибга зарар етказиши ўз-ўзидан равшан. Батальон командири блиндажига эмаклаб етиб келдим. Отишма шунчалик зўрайган эдики, бош кўтариб бўлмасди.

— Ваҳимага хотима берилсин! — буюрди комиссар Соколов. — Чап қанотда мудофаага шахсан ўзингиз бошчилик қилинг.

Миномёт ротасининг сиёсий раҳбари Абдулла Иномов шу тариқа рота командири Кунжапов билан биргаликда мудофаада тартиб ўрнатишди. Душман шу куни 5-6 марта ҳужумга ўтди. Совет кишилари мардона жанг қилдилар. Қўл жанги бошланганда улар найза ва милтиқ қўндоғи ва ҳатто сапёрлик куракчаси билан душманнинг додини беришарди. Душман ҳужуми тўхтатилди.

— Ҳужумга ўтишга тайёрланилсин! — деган буйруқ эшитилди.

Сигнал берилиши биланоқ бўлинма қарши ҳужумга кўтарилди. Политрук Иномов бир уй олдида қўлида пистолет ушлаб турган узун бўйли фашистга дуч келиб қолди. Душман тепкини босди. Лекин отилмади. Иномов ўзини душман устига ташлаб, уни йиқитди. Пистолет билан бошига уриб, душманни гангиратди-ю, пешанасидан ўқ узди. Шу пайт унинг устига иккинчи фашист келиб қолди. Иномов довдираб қолмади. Ўлдирилган фашист автоматини олиб, иккинчи фашистни ҳам қулатди. Офицерга ёрдам бериш учун шошилган бошқа немисларнинг ҳам тақдири шундай бўлди. Жанг тугагач, Иномов шу ернинг ўзида ўнга яқин фашист солдатларини ер тишлатгани маълум бўлди.

Фашистлар жангчиларимизнинг иродасини бука олмадилар. 1941 йил декабрида 252-ўқчи дивизия қисмлари ҳужумга ўтди. Совуқ жуда қаттиқ, фашистлар позицияларини қаттиқ ҳимоя қилар эдилар.

— Босқинчиларни инидан қувиб чиқариб, тугатиш керак, — ўзбекистонлик политрук Абдулла Иномов аскарлар орасида ана шундай агитация олиб борди. — Қашқирни ўлдириш учун уни инидан қувлаб чиқармоқ керак.

Абдулла Наманганда туғилиб ўсган, қаттиқ совуққа кўникмаган эди. Лекин, Ватан, халқ ҳаёт-мамот жангини олиб бораётган солдатларимизга ғамхўрлик қилиб, иссиқ кийим билан таъминлаган эди. Аммо политрукнинг оташин сўзлари, турли миллат фарзандларининг чинакам биродарлиги жангчилар қалбига кўпроқ ўт соларди.

...Ғарбий Двинада 928-ўқчи полк позициясига душман артиллериядан кучли ўт очди. Снарядлар командирлик пунктига ҳам етиб келарди.

— Тезда ҳужумга ўтишади, — политрук Иномов жангчиларни огоҳлантирди.

Чиндан ҳам бир неча минут ўтгач, душман танклар ҳимоясида қўшинларимиз позициясига ҳаракат қила бошлади. Лекин миномётчилар чекинмадилар.

— Фашистларга ўлим! — рота командири Кунжаповнинг командаси эшитиларди. Ротанинг чап қанотидан политрукнинг худди шундай командаси янграрди. Душман устига ажал ўқи ёғдирилди. Миномётчилар танкларни, душман пиёдаларини мўлжалга олиб, ота бошладилар. Кўп ўтмай, замбараклар ҳам тилга кирди. Фашистлар бу қаршиликка бардош беролмай, техникасини ташлаб чекина бошладилар. Лекин миномётчиларнинг қасоси қочиб бораётган фашистларни ҳам қулатарди.

Абдулла Иномов полкдош дўстлари билан душманнинг ана шундай ҳужумларини кўп марта қайтарди. Жангнинг энг оғир дақиқаларида жангчиларга мададкор бўлди. Политрукнинг совуққонлик билан ҳаракат қилиши, жангда ўзини йўқотиб қўймаслиги, мардлиги бошқаларни руҳлантирар эди.

Фашистларнинг енгилмас эканлиги ҳақидаги афсона барбод бўлди. Москва яқинида фашистлар тор-мор этилганлиги ҳақидаги хабар бутун дунёга тарқалди.

Лекин ҳали олдинда шиддатли, қонли жанглар турарди. 252-ўқчи дивизия полклари босқинчиларни Калинин областидан қувиб чиқараётган эди.

Васильевское ва Станишено қишлоқлари районида жанг янада шиддатли тус олди. Душман ҳар қарич ерга ёпишиб олиб, қаттиқ қаршилик кўрсатарди.

— Лочинлар, олға! — Кунжаповнинг командаси эшитилди. Ярим соат давом этган қўл жангида душман ўнлаб аскарларидан жудо бўлди. Орқага чекинган фашистлар устига яна юзлаб миналар туша бошлади. Лекин, рота командири Кунжапов миномёт расчёти устига дайди снаряд тушиб ҳалок бўлди.

— Менинг командамни эшит! — политрукнинг йўғон овози эшитилди. — Кунжапов учун қасос оламиз! — у жангчиларни эргаштириб ҳужумга ташланди. Қўшни бўлинмалар мададга келишди. Фашистлар ярадорларни, автомашина ва тўпларни ташлаб қишлоқдан кочишга мажбур бўлди. Бу 1942 йил 10 мартда бўлган эди. Энди Иномов ротага командирлик қиларди. Шу билан бирга ўзининг сиёсий раҳбар эканлигини унутмас, ҳамиша жангчилар орасида бўлар, оташин сўзи ва шахсий намунаси билан уларни ўз орқасидан эргаштирарди.

Бир қишлоқ учун бўлган жангда Иномовнинг ўзи «Максим» станокли пулемётидан ўт очиб, етмишга яқин душманни қийратди.

— Кўз олдим қоронғилашди. Нима бўлдийкин, деб ўйладим, — деб эслайди Абдулла. Маълум бўлишича ёнгинасида душман снаряди портлаган экан. Жангчилар қонга бўялган политрукни панага олиб ўтишди. У ердан эса медсанбатга жўнатилди. У икки оёғидан яраланган, суяги лат еган эди.

— Берлингача бора олмаганимдан афсусланаман, — дейди Абдулла Иномов.

Оғир яралар битгач, у ўз юртига — Наманганга қайтди. Собиқ жангчи шундан буён меҳнат фронтида коллективга раҳбарлик қиляпти. Турмуш ўртоғи Тошхон билан бирга фарзандларини меҳнатсевар кишилар қилиб тарбияладилар. Ўғли Зафир Наманган пахта тозалаш заводида инженер бўлиб ишламоқда. Катта қизи Мавлуда Москва институтларидан бирида кандидатлик диссертациясини ёқлаш арафасида. Иккинчи қизи Моҳира эса педагогика институтида инглиз тилидан дарс беради. Кенжаси Зайниддин 8-синфда ўқимоқда.

Собиқ политрук ҳамиша олдинги сафда. Ёшлар Абдулла Рўзиевич Иномовдан кўп нарсани ўргансалар арзийди.

**И. ЧИГОДАЙКИН,**
**СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси.**

# ҚУРУВЧИЛАР СЪЕЗДИ

14 январь куни Москвада қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати ишчилари касаба союзининг VIII съезди ўз ишини тамомлади.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси якдиллик билан фахрий президиумга сайланди.

КПСС XXV съезди, деб таъкидлади Қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати ишчилари Касаба союзи марказий комитетининг раиси И. А. Ланшин ҳисобот докладида, қурувчилар олдига масъулиятли вазифаларни қўйди.

Съездда ВЦСПС раиси А. И. Шибаев нутқ сўзлади. Съезд ишида КПСС Марказий Комитети қурилиш бўлимининг мудири И. Н. Дмитриев, бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, масъул партия ва совет ходимлари иштирок этдилар.

Съездда Касаба союз марказий комитетининг янги составн ва СССР касаба союзларининг XVI съездига делегатлар сайланди.

Касаба союз марказий комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати ишчилари Касаба союзи марказий комитетининг раиси қилиб яна И. А. Ланшин сайланди.

(ТАСС мухбири).

